

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ ФАНЛАР
ТИЗИМИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**



**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2022 йил 13-14 апрель

mana shunday kasalliklar bo'yicha Jizzax tibbiy geografik rayoni respublikada oldingi o'rinlarga intilmoqda. Tarixan, bir hududda rivojlangan bu ikki hududda kasalliklar kelib chiqish sabablari deyarli bir xil. Uning yechimlarini ham birday baholash mumkin. Jizzax viloyati o'zining noyob tabiati, milliy bog'lari, dorivor o'simliklari va ob-havosi bilan ajralib tursa, Sirdaryo viloyati daryobo'yi turizmi, respublikamizdagi noyob tibbiyot klasteri bilan va albatta qishloq xo'jaligi ekinlari bilan ajralib turadi. O'z-o'zidan ko'rinib turibdiki ikki mintaqada ham sog'lomlashtirish maskanlarini rivojlantirish uchun shart-sharoitlar mavjud.

XULOSA

Tadqiqotda xuddi shu tarzda qon aylanish, onkologik, endokrin tizim kasalliklari ham tahlil qilingan. Umuman olganda, respublika hududini tibbiy geografik jihatdan tahlil etishda mamlakatimizda mavjud mintaqalar nozogeografik jihatdan baholangan. Ayni vaqtda tabiiy geografik jihatdan kasalliklar hududiy tarkibini respublikaning cho'l, voha va vodiy, tog' va tog' oldi, daryo havzalari miqyosida ham o'rganilgan. Aholi sog'lomlashtirish maskanlarini joylashtirish va ularning istiqbollari hamda mintaqalarning geografik o'rniga ham to'xtalib o'tilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. N.Q.Komilova Tibbiyot geografiyasi va global salomatlik; O'zMU darslik. Toshkent-2018
2. <https://sirstat.uz/uz/default/press-relizlar/6372-2021-yil>
3. <https://www.jizzaxstat.uz/uz/default/press-relizlar/6375-2021-yil-2>

Джумабаева С.К.

Чирчиқ давлат педагогика институти, “География кафедраси”

Тел: +998 90 964 85 35 E-mail: s.djumabayeva@cspi.uz

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИДА СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАРНИ ТАСВИРЛАШ МЕТОДЛАРИ

Аннотация: Мақолада Иқтисодий ва ижтимоий география фанида статистик маълумотларни тасвирлаш усуллари ёритилган. Статистик кўрсаткичларни жадвал, диаграмма ва хариталарда кўринишида тасвирлаш ҳақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: иқтисодий ва ижтимоий география, статистика, метод, статистик маълумотлар, жадвал, диаграмма, харита, картограмма, картодиаграмма.

МЕТОДЫ ОПИСАНИЯ СТАТИСТИКИ В ЭКОНОМИЧЕСКОЙ И СОЦИАЛЬНОЙ ГЕОГРАФИИ

Аннотация: В статье методы описания статистических данных в науки экономической и социальной географии. Высказаны мнения о представлении статистических показателей в виде таблиц, диаграмм и карт.

Ключевые слова: экономическая и социальная география, статистика, метод, статистические данные, таблица, схема, карта, картограмма, картодиаграмма.

METHODS FOR DESCRIBING STATISTICS IN ECONOMIC AND SOCIAL GEOGRAPHY

Abstract. The article deals with the methods of description of statistical data in the sciences of economic and social geography. Opinions were expressed on the presentation of statistical indicators in the form of tables, diagrams and maps.

Key words: economic and social geography, statistics, method, statistical data, table, scheme, map, cartogram, cartogram.

География фанида статистик маълумотлардан кенг фойдаланилади. Статистик кўрсаткичлар турли (харита, диаграмма, жадвал ва бошқ.) кўринишида тасвирланиши мумкин. Бу ерда асосий эътибор статистик кўрсаткичларнинг умумий таҳлиliga қаратилади.

Рус олими З.И.Слепканнинг таъкидлашича статистик маълумотларни тасвирлаш ва ундан фойдаланиш учун қуйидаги амаллар кетма-кет бажарилади [4].

1. Тавсифловчи воқеа-ҳодисалар хусусияти аниқланади.
2. Ушбу ҳодисалар (белгилар) орасидаги боғланиш аниқланади.
3. Кўрсаткичларнинг ҳар бирини тавсифловчи жараёнлар белгиланади.
4. Шундан кейин индикаторнинг ўзгариш динамикаси кузатиб борилади.
5. Натижаларнинг сабаблари ҳақида хулоса чиқарилади.

Бирор бир статистик кўрсаткичларни акс эттирувчи жадваллар, график ва картографик тасвирларни тузиш ва таҳлил қилиш техникаси бир-бири билан ўзаро боғланган. Иқтисодий географик жараёнларни ўрганиш учун фойдаланиладиган статистик кўрсаткичларга нисбатан уларнинг ўзига хослигини ҳисобга олинади [3]. Шу муносабат билан, биринчи навбатда, шуни таъкидлаш керакки, одатда статистик кўрсаткичлар динамикасини акс эттириш учун графиклардан, тармоқлар ва ҳудудий фарқларни кўрсатиш учун жадвал, диаграмма ва хариталардан фойдаланилади.

Мавжуд кўрсаткичлар билан ишлашда, уларнинг ўзгаришида график тасвирларнинг ўзига хос тури – бу битта координата тизимида тузилган графиклардир. Уларни чизиш учун абсцисса ўқи (x ўқи) ва ўқи бўйича вақт интерваллари (йиллар) чизилади [1].

Иқтисодий ва ижтимоий география фани тармоқларидан бири – аҳоли географиясида ишлатиладиган график тасвирнинг яна бир ўзига хос тури бу ёш ва жинс пирамидалари. Улар аҳолининг ёш гуруҳлари бўйича жинслар нисбатини аниқ кўрсатади ва аҳолининг жинси ва ёш таркибини таҳлил қилиш имконини беради. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, ўқувчилар пирамиданинг шакли бўйича аҳолининг ёш ва жинс таркиби ва аҳолининг кўпайиш тури ўртасидаги боғлиқликни аниқлашлари мумкин [5].

В.П.Максаковский дунёнинг иқтисодий ва ижтимоий географиясини ўрганиш бўйича ўзининг услубий тавсияларида таъкидлайдики, биринчи турдаги мамлакатлар аҳоли кўпайишини таҳлил қилишда пирамиданинг катта "қопқоғи"га эътибор бериш керак, бу ерда аҳолининг қариш жараёнини акс эттирилади [2]. Иккинчи турдаги кўпайиш пирамидасини таҳлил қилинганда, болалик ёшининг жуда юқори нисбати ва катта ёшдагиларнинг паст нисбати кўрсатилади.

Иқтисодий ва ижтимоий географик ҳодисаларни тавсифловчи статистик маълумотларни акс эттирувчи картографик тасвирларнинг ўзига хос тури хариталардир. Статистик маълумотларни географик харитада тасвирлаш шакли ўрганилаётган ҳудуддаги муайян ҳодисанинг ҳажми, тузилиши ва даражасини акс эттириш учун ишлатилади. Хариталарда статистик кўрсаткичларни тасвирлашнинг иккита асосий тури мавжуд: картограмма ва картодиаграмма.

Картограмма усули деб, муайян чергарадаги, асосан маъмурий чегара доирасидаги воқеа ва ҳодисаларни нисбий миқдорда кўрсатиш усулига айтилади. Картодиаграмма усули ҳам картограмма усулига ўхшаб статистик усул бўлиб, кўпроқ социал-иқтисодий карталар тузишда қўлланилади. Лекин картограмма усули картодиаграмма усулидан фарқ қилиб нисбий миқдорда берилади. Масалан: аҳолининг зичлиги, умумий аҳолига нисбатан эркаклар салмоғи, аёллар салмоғи, ишга яроқли кишилар сони ва ҳ.к.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик еридан канча гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар олинишини ҳам картограмма усулида тасвирласа бўлади. Картограммада бериладиган миқдор кўрсаткичлар ранг ёки штрихлар билан кўрсатилади. Рангни оч ёки тўқ бериб кўрсаткичларнинг нисбий миқдорини тасвирлаш мумкин. Агар ранг ёки штрих қуюқлашиб борса, интенсивлик ёки миқдор кўрсаткичнинг ошиб боришини билдиради. Масалан, Ўзбекистоннинг пахта экиладиган туманларида ҳар бир гектар ердан олинadиган пахта ҳосилини кўрсатувчи картада ҳосилдорликнинг ошиб боришини рангни қуюқлаштириб бориш ёки штрихларни зичлаштириб бориш билан кўриш мумкин. Бунинг учун аввал туманлар пахта ҳосилдорлигига қараб группаларга бўлинади:

- 15 центнердан 20 центнергача;

- 20 центнердан 25 центнергача;
- 25 центнердан 30 центнергача;
- 30 центнердан ортиқ ҳосил олинадиган туманларга бўлиб, штрихлар тўрт хил кўринишда ранг билан тасвирланади.

Картограммада тасвирланган воқеа ва ҳодисаларни бир-бири билан таққослаш учун шкалалар ёки поғоналар орасидаги миқдорлар бир хил бўлиши керак. Бизнинг мисолимизда улар орасидаги фарқ 5 центнерни ташкил қилади. Баъзан шу кўринишдаги воқеа ва ҳодисалар бўлмайдиган жойлар ҳам рангга ва штрихга бўйлаб кўрсатилиб берилади. Масалан: Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлигини тасвирловчи картада пахта экилмайдиган Устюрт платоси, Қизилкум чўли ҳам пахта экиладиган жойлар рангига бўйлаб кўрсатилаверади. Бу албатта, тўғри эмас. Шунинг учун тасвирланаётган воқеа ва ҳодисалар мавжуд бўлган жойлар чегаралари олдиндан белгилаб олиниши керак. Хариталарда статистик кўрсаткичларни тасвирлашда картограмма усули картадиограмма ёки нуқталар усули билан бирга қўшиб қўлланилса, картанинг мазмуни янада бойийди, ўқувчиларга тушунарли ва мазмун жиҳатдан бой маълумотлар берилади.

Умуман олганда, иқтисодий ва ижтимоий география фани бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳамда мазкур фанни ўқитишни статистик манбаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Таъкидлаш ўринлики статистик кўрсаткичларни таҳлил қилиш жараёнида талабалар ҳудудларнинг умумий жиҳатлари ва бир-биридан фарқ қилувчи фактлар ҳақида билим ва кўникмага эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Даринский А.В. Новые подходы к преподаванию экономических и социальной географии России в условиях перехода к рыночной экономике. // География в школе. 2000. - № 1. - С. 48-52.
2. Максаковский В.П. Экономическая и социальная география мира. Учеб. для 10 кл. сред. шк. В 2 кн. Кн. 1. - М.: Просвещение, 1990. - 239 с.
3. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. Тошкент, 2013. - 180 б.
4. Слепкань З.И. Психолого-педагогические основы обучения математике. -Киев: Радянська школа, 1983. - 192 с.
5. Тожиева З.Н. Иқтисодий ва демографик статистика. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2001. -115 б.

Ibrohimova S., Qurbonova Ch.- Yerning sho'rlanish	79
Абдуллаев И.Х., Каримов И.Э., Хакимов Б.Б- Худудларнинг ландшафт-экологик холатини ўрганишда сув омборларнинг ўрни	81
Erdonov M.N., Esanov N.A., Mustayev K.R.- Surxondaryoning yana bir shifobaxsh bulog'i – Omonxona	85
Saidmuratov Sh.X., Ishmo'minov B.B.- Tabiiy resurslar va ulardan oqilona foydalanish	88
II ШЎБА. ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ ВА ЁШЛАР ОНГИДА ГЕОГРАФИК ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	
Умарова М.Х., Ҳасанов П.А.- Surxondaryo viloyati orooykonimlarining shakllanishi xususiyatlari	90
Zikirov I.Y., Djurayev M.E., Tovbayev G'.Z. - Xorijda geografiya ta'limi	92
Мосин В.П. - Возможности интегрированных уроков в формировании экологического образования обучающихся	96
Турсунов Х.Т., Болтаев М.- География таълимини ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари	98
Хамидов И.Б.- Ўзбекистон таълим тизими ривожланишидаги ўзгаришлар	101
Rahmonqulov F.R.- Geografiya darslarini o'qitishda innovatsion yondashuv	104
Karshibayeva L. K, Umirzaqov O.A., Javlonov A.A.- Jizzax va Sirdaryo viloyatlari hududlarini tibbiy-geografik baholash usullari	106
Джумабаева С.К.- Иқтисодий ва ижтимоий география фанида статистик кўрсаткичларни тасвирлаш методлари	109
III ШЎБА. ЭКОЛОГИЯ ФАНЛАР ТИЗИМИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ	
Жобборов Б.Т., Тоймбаева Д.А.- Саноат тармоқларининг атроф-муҳит ва тупроқларга таъсири (Ангрен исиклик электр станцияси мисолида)	112
Каршибаева Л.К., Эгамназарова К.Ш., Жўраев Х.- Сирдарё вилояти шароитида павловния ўсимлигини етиштириш	115
Ishankulova K.K, Toymbayeva D.A., Po'latova G.R.- Chiqindi muammosini bartaraf etish yo'llari	117
Куралова Р.М., Қўшиев Х.Х., Исмоилова К.М., Журабоева М. - Сирдарё вилоятининг шўрланган тупроқ шароитида ширинмия (glycyrrhiza glabral) ўсимлигидан тупроқ микрофлорасини яхшилашда фойдаланиш имкониятлари	120
Тўракулов М.А., Худаярова М.Э., Сагтаров Э.А., Ходиев У.Э.- Мавсумий агротехник тадбирларни тўғри амалга оширилишининг боғлар экологияси ва самарадорлигига таъсири	122
Тўракулов М.А., Эрматов В.А., Худаярова М.Э., Султонов Н.Ш., Каримов Х.- Токзорларни экологик соғлом бўлишида касалликларга қарши самарали кураш усуллари	126
Тўракулов М.А., Худаярова М.Э., Мансуров К.М., Норқўзиева Л.А., Қўлдошева М.И.- Боғлар экологик барқарор ва самарадор бўлишида тупроқ-иклим шароити тўғри танланишининг аҳамияти	131
Жобборов Б.Т., Сафаров А.А.- Тупроқларнинг морфологик белгиларини саноат чикиндилари таъсирида ўзгариши	135
Исмоилова К.М., Куралова Р.М., Бурҳиев Ф.З., Бекпўлатов Х.О.- Ширинмия ўсимлиги илдизида флаваноидлар миқдорини ўзгариши	137